

РЕСПУБЛИКА ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДА СУҲБАТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов Тошкентдаги минтақа учрашувида иштирок этган Ўрта Осиё республикалари ва Қозғистон Қасаба уюшмалари марказлари делегацияларининг раҳбарларини 18 сентябрь кўни қабул қилди.

Мамлакатдаги сиёсий ва иқтисодий вазият, яъни шартда Ўзбекистоннинг тарихий аҳолиси ҳақида рўй-рост гаплашиб олинди. Республика раҳбариятининг мақсади — тоталитар режимга қайтиш эмас, балки демократия ва ошкораликни ривожлантириш, миллий товулини мустақамлаш, барча соғлом кучларни жипслаштириш, меҳнатқил ишчи тўғрисида гап-гўш қилиш эканлиги таъкидланди. Одамларни ижтимоий-иқтисодий жиҳаддан ҳимоя қилиш масалаларини аниқ-равшан ҳал этиш талаб қилинаётган ҳозирги кўннинг шартларида қасаба

уюшмалари зиммасига катта вазифа юклатилди. Улар меҳнатқил ишчи уюмлари меҳнат қилишга сафарбар этишлари лозим.

Дўст бўлиб яшаш учун миллатлараро муносабатларни бутун чоралар билан мустақамлаш ва ривожлантириш зарур. Меҳнатқил ишчи истеъмол бюджетининг энг кам миқдорини белгилашда ҳам қасаба уюшмаларининг эътибори талаб этилади.

Тарих тақозоси билан Ўрта Осиё республикалари ва Қозғистоннинг муштарак жиҳадлари кўп. Ўзбекистонда шoir ва мутафаккир Алишер Навоий юбилейини тантанали нишонлашга тайёргарлик қилинмоқда. Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига бағишланган тадбирлар Ўрта Осиёдаги бошқа республикаларда ҳам бўлиб ўтди.

Қасаба уюшмалари бирлашмалари раҳбарларининг Тошкентдаги учрашуви иқ-

ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ РАЁСАТИДА

ХАЛҚ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши раёсатининг навбатдаги мажлисида ободонлаштириш Бош бошқармаси бошлиғи М. З. Буфаров, «Ташгаз» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бошқарувчиси Б. Б. Кейнов, «Сувос» трестининг бошқарувчиси З. Т. Солихжоннинг Тошкент шаҳар Кенгаши олтинчи сессиясининг «Маҳалла» қарорининг ижроси тўғрисидаги қарорининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботлари тингланди. Ушбу бўлимлар аҳоли шахсий уй-жойларини ободонлаштириш, каналлаштириш ва газлаштириш юзасидан муайян иш қилганлиги таъкидлаб ўтилди. «Маҳалла» дастури мажмуи улар томонидан умуман бажарилмоқда. Бироқ, суюлтирилган газ билан таъминлаш, каналлаштириш ва газлаштириш суръатлари, кўчаларни ободонлаштириш, ахлатин ташиб чиқариш масалалари ҳали ҳам аҳолининг айниқса Тошкент эски шаҳар қисми аҳолисининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Бўлимлар раҳбарлари «Маҳалла» дастури мажмуи ўз вақтида бажарилиши учун ҳамма чоралар кўрилишига, кўрсатилган камчиликлар эса бартараф этилишига ишонтирилди.

Шаҳар Кенгашининг раёсати мева-сабабот маҳсулотларини қишлоқ саноати учун жамғариш ва унинг исроф бўлмашига йўл қўймаслик масаласини ҳам кўриб чиқди. Шаҳар деҳқончилик саноати бирлашмаси раҳбарлари қишлоқ саноати етарли миқдорда мева-сабабот жамғариш юзасидан кўрилатган чоралар тўғрисида ахборот бердилар. Аммо ушбу иш суръатлари ташвиш туғдиримоқда. Шаҳар деҳқончилик саноати ишлашмаси қолғаси ва совхозлардан, шунингдек деҳқонлардан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш учун раҳбарларнинг иқтисодий омиллардан бўш фойдаланлиги. Хукум-тартибот органлари ҳали ҳам мева-сабабот маҳсулотларини республика ташқирисига қонунга ҳилоф равишда олиб чиқиб кетишига қарши мустақам тўсиқ қўй олганлари йўл. Шаҳар умумий оғирлашгани ва савдо корхоналари ўз эҳтиёжлари учун картошка, шېб, сабаботларни ўз вақтида жамғариш чораларини кўришлари зарур.

Ушбу масала юзасидан қабул қилинган қарорда мева-сабабот маҳсулотларини қишлоқ саноати етарли миқдорда жамғариш ва саноатини таъминлайдиган тадбирлар кўзда тутилган.

Раёсат мажлисида Тошкент шаҳрида телефон, почта алоқаси ва информатиканинг аҳоли ҳақида уларни ривожлантириш масаласи муҳокама этилди. Тошкент телефон алоқаси ва радиоланштириш ишлаб чиқариш бирлашмасининг бошлиғи П. Х. Умаров аҳолига барча турдаги алоқа хизмати кўрсатишини яхшилаш юзасидан амалга оширилатган ишлар тўғрисида гап-гўш берди. Кейинги пайтда шаҳарда 10,1 миң абонентга мўлжалланган кинета автомат-телефон станцияси фойдаланишга топширилди. 8 миң 953 та, шу жумладан уруш ногиронлари ва қатнашчилари, байналмилалчи жангчилар ва ҳалок бўлган жангчилар оилалари уйларига 1333 та телефон ўрнатилди. «Маҳалла» мақсадида дастури мажмуини бажариш мақсадида аҳоли хонадонларига 2242 та телефон ўрнатилди. Бу йиллик топшириқидан кўндр.

«Алгоритм» мавзисида янги алоқа бўлими, 95-алоқа бўлимида шаҳарлараро гап-гўш пунктаси, 19-алоқа бўлимида телеграф алоқаси йўлга қўйилди. 26 ва 20-иқтисодлаштирилган алоқа бўлимида халқаро почта алоқаси ташкил этилди. Ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш жорий этиляпти. Шаҳар аҳолисининг



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН СУҲБАТИ

18 сентябрь кўни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов журналистлар билан суҳбатлашди. Унда Американинг «Ассошиэтед пресс» ахборот бошқармаси материалларида баён қилинган воқеаларни «Известия» рўзномаси бауиб кўрсатилгани ҳақида гап-гўш қилди.

Суҳбатда республика ва марказий рўзномаларнинг вакиллари, оммавий-ахборот воситаларининг раҳбарлари, шунингдек «Вашингтон пост» газетасининг муҳбири Джеймс Рупер билан «Озодлик» радиостанциясининг муҳбири Тоҳир Умаров иштирок этдилар.

(ЎЗАТГ.)

ЭРТАЛАБДАН КЕЧГАЧА ДАВО

ШАҲРИМИЗНИНГ Юносубод даҳасидаги 12-поликлиника қошида 40 ўринли шифохона беморларга хизмат кўрсата бошлади.

Шифохонада 14, 15, 16, 17, 18 ва 19-мавзелада яшовчи 57 миң аҳоли орасидан кўп болали оналар, меҳнат фахрийларига эрталаб келиб, кечқурунча даволашнилари учун барча қулайликлар яратилган. Лозим бўлса шаҳримизнинг бошқа даволаш масканларидан тажрибали шифокорлар қақриляпти.

Этамназар ҚОДИРОВ.

МАХСУС ҲИСОБ ОЧИЛДИ

РЕСПУБЛИКАМИЗДА аҳоли соғлиғини муҳофаза қилишга қаратилган «Саломатлик» дастурида тиббий муассасаларни замонавий асбоб-ускуналар, зарур доридармонлар билан таъминлашга алоҳида аҳамият берилган. Ана шу муҳим вазифани адо этиш йўлида «Главташкентстрой»га қарашли поликлиникада ҳам тадбиркорлик билан иш қўрилмоқда.

Маблагларини ҳисоб-китоб қилиш, зарур жамғарма тўплаш мақсадида муассасанинг махсус ҳисоби очилди. Бу йиллик тўғрисида шифохона қимматбаҳо тиббий асбоб-ускуналарини сотиб олиш имконига эга бўлди. Жумладан, Япония, Германиядан келтирилган жиҳозлар даволаш ишларини яхши йўлга қўйишда шифокорларга қўл келмоқда.

Ақбар АЛИЕВ.

таклифлари ҳисобга олинган ҳолда бу йил алоқа бўлимларининг иш тартиби ўзгартирилди.

Шу билан бир қаторда шаҳар почта алоқаси ва матбуотни тарқатиш бирлашмалари ишда, айниқса обуначиларга рўзнома ва ойнамалар етказиб беришда жиҳди камчиликлар мавжуд. Посилкаларнинг йўқотилиши, пул камомадларига йўл қўйилиши ҳоллари учраб турибди.

Шаҳар ижроия комитетининг қарорида алоқа бўлимлари учун биналар акратиш зарурлиги кўрсатилган эди. Лекин бу қарор Киров, Сергели, Ленин, Акмал Икромов ва Октябрь район ижроия комитетлари томонидан ҳалигача бажарилмаган.

Шаҳар Кенгашининг раёсати Тошкент телефон алоқаси ва радиоланштириш ҳақида почта алоқаси ва матбуотни тарқатиш ишлаб чиқариш бирлашмаларининг раҳбарлари халқ хўжалиги нишотлари ва шаҳар аҳолисини сифати телефон ва почта алоқаси кўрсатиши тўла таъминлаётганлигини таъкидлади. Улардан кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан қатъий чоралар кўриш талаб қилинди. «Главташкентстрой» ва шаҳар ижроия комитетининг капитал қурилиш Бош бошқармаси раҳбарларининг эътибори тўғрисида автомат телефон станцияси учун биналар қурилиш кўзда тутилган муддатлари баробор этилганлигига қаратилди. Алоқа корхоналарининг молиявий-хўжалик фаолиятини яхшилаш, рентабеллигини оширишга қаратилган чоралар ҳам режалаштирилди.

Тошкент шаҳар Кенгашининг раёсати Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Шахсий ёрдамчи хўжаликларини янада ривожлантириш юзасидан қўшимча чоралар тўғрисида»ги Фармони бажарилишини бориши ҳақида Тошкентда ёлғиз нафақахўрларнинг ижтимоий муҳофазаси тўғрисида қарорлар қабул қилди.

Ҳозирги пайтда шаҳарда 53 миң 70 оила дала ҳовчисига эга. Шаҳарликларнинг боғдорчилик-узумчилик ширкатлари учун 7 миң 6 гектар ер ажратилган. Бироқ, ҳали 130 миң нафардан кўпроқ киши, шу жумладан 4 миң нафарга яқин уруш ногиронлари ва қатнашчилари ер майдонлари олиш учун навбатда турибдилар. Шаҳар ва район ижроия комитетлари кўп ҳолларда ер майдонлари тақсимлаш билан чегараланиб қоладилар. Дала ҳовли олганлари бичокорлик материаллари, кўчатлар ва жиҳозлар билан таъминлаш чораларини қўришмайди. Дала ҳовлиларда уйчалар қуриш, деворлар ўрнатиш, ери ҳайдаш ва шу каби ишлар билан шугулланганига ташкилотни тузиш масаласи ҳал этилмаган.

Шаҳар Кенгаши раёсатининг қарорида ижтимоий таъминот бошқармаси ёлғиз катта ёшдаги фуқароларга хизмат кўрсатиш чораларини кўраётганлиги ўқидиб ўтилади. «Гамхўрлик» худудий маркази ва район ижтимоий ёрдам бўлимлари 2653 нафар ёлғиз нафақахўрчи аниқладилар. Уларга турли-туман хизматлар кўрсатишмоқда. Лекин Собир Раҳимов, Ҳамаза, Сергели, Куйбишев, Киров, Бектемир районларида доимий ёрдамга муҳтож ёлғиз нафақахўрларни ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича етарли иш олиб борилмапти. Ушбу районлар Кенгаши раёсатлари раҳбарларининг эътибори ана шу нуқсонларга қаратилди.

Раёсат мажлисида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши фаолиятига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Мажлисининг халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг раиси А. И. Фозилбеков олиб борди.

«Нон эҳроми»

ЎЗБЕКИСТОН маънавий-маданий тарихот маркази томонидан қўлдан берилган «Нон эҳроми» масканини ташкил этиш бўйича илмий-амалий қўриқуртадиқот ишлари бошлаб юборилди. Ўзбекистондаги кўпгина рўзномалар, жумладан, «Тошкент оқшом» ҳам 5-6 йилдан буён нон музейини ташкил этиш бўйича муштарийлар билан мулоқотни бошлаган ва пойтахтнинг экинчи миллионли аҳолисини қўндр қўндр билан қўндр олиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирган эдилар. Ва ниҳоят Ўзбекистон дон маҳсулотлари вазирлиги ҳомиёлигида тез вақт ичида очилган маънавий масанни учун экспонатларни тўплаш бўйича ишлар бошланган кетди. Фаоллар яқин вақт ичида республикамизнинг турли вилоятлари бўйлаб этнографик экспедицияларни ташкил этиш таралдудини кўрмоқдалар. Илк экспедициялар Тошкент ва Жиззах вилоятларида фаолият кўрсатади.

Қадим замонлардан бошлаб то ҳозиргача новвойчилик ва нон тарихига алоқаси бўлган осори атиқларнинг йиғилиши, халқимиз ўрғаниш, кекса тегирмончилар, новвойлар сулоласи билан суҳбатлашнинг, нонга бўлган қадриятини тинглаш, ҳар бир вилоятнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, ноннинг маънавий бойлигини экинчи йилларини дилига сингдиришни ўз олдимиизга мақсад қилиб қўйганмиз, — дейди элшунос олим, тарих фанлари номзоди Билал Аминов. — Ҳозир асосий ишларни марказдаги беш киши олиб бормоқда. Ўйлаймизки, жамоатчилик асосида мактаб ва олий ўқув юрталарининг ўқувчилари, новвойлар, олимлар, умуман турли касб эгалари ушбу хайри ва савоб ишга ўз ҳиссаларини қўшиб, қўлларидан келган ёрдамни аямайдилар.

Дилшод ИСРОИЛОВ.

«ИШОНЧДАГИ МУАЛЛИМ» ЕРЛИГИ

ТОШКЕНТДАГИ 109-мактаб ўқитувчиси А. Ҳасанов тажрибавор мураббийлардан бири саналади. У ишлаётган билим даргоҳида жўрғоғи таълимга иқтисослашган янги курслар ташкил этилди.

Донм изланувчан, эниб-баҳиш қалб эгаси, жўрғоғи чўқурлаштириб ўрганиладиган синфларда экологик билимлар мавзуда матбузат қилиб, Иттифок педагогига ўқишларига йўлланма олди. Унинг ялғиз иш усулларини ўрганиш мақсадида Ўзбекистон педагогика илмлари ил-

мий тадқиқот илмгоҳи мактабда тажриба-тажриба база ташкил этиди.

Ўзбекистон халқ таълими вазирлиги бу жонқуяр ўқитувчи катта ишонч билдирди. Яқинда бўлиб ўтган йиғилишида унга «Ишончдаги муаллим» ёрлиғи берилди.

Бундай шарафга олти ўнги фани бўйича энг яхши ўқитувчи муссар бўлинди. Шуниси фахрлини, улар қўлида таълим олган болалар олти ўнги юрталарига киришда иштирок топширишдан овоз этиладилар.

Карима АББАСОВА.

1991 йил—Ўзбекистонда Алишер Навоий йили



КАРВОН оҳиста оидимлайди... Туялар бир меърада қадам ташлайди. Сорбон жим. Гоҳ-гоҳда қўлини манглайи узра соябон қилиб, олис уфқларга нигоҳ ташлайди. Кейин шохона беазаган тахтирановга қараб сўзланади: — Аввали келганимиз да ҳам шундоқ олис йўл юрибимизнинг, ҳазратим? Тахтиранов парадлари бир ёнга сурилиб, нуруний бир чехра намойи бўлди. — Ҳовва, тақсир! Аммо йўлимиз кўн-қизил қумлик сардорди... Ушбу сафар ҳамма-

ёқ боғ-роғ эрур. Работлар бисер гўвалдир, ҳазратим! Кўриб дилимга ўт тушмиш, таъриф айламакка тилим нуроний чехра соҳиб.

— Олло, ўзинга шукур! гулшан тузмақдаки, Ҳирот-даги Боги жаҳон орога манадир.

— Кўриб офарини демоқ-дин ўзга чора тополмасин! — давом этди сорбон, — Нимасин айтасин! аҳли Шох сизга атаб — Ҳар гушада сизнинг тари-

хитоб қилди сорбон, — Шох бисер гўвалдир, ҳазратим! сўзладингиз Ҳазрат аталмиш ширатим нуроний чехра соҳиб.

— Олло, ўзинга шукур! гулшан тузмақдаки, Ҳирот-даги Боги жаҳон орога манадир.

— Кўриб офарини демоқ-дин ўзга чора тополмасин! — давом этди сорбон, — Нимасин айтасин! аҳли Шох сизга атаб — Ҳар гушада сизнинг тари-

қўларимга оқирин-оқирин ёш келадур. Шаҳри Шох ҳам алоқ қўндр турмуруму? — О! — ҳаяжон ичида

лол! Неча бор учин чорборларно биналарини кўрмишмен, аммо ҳар тал дил қўндр интиқланадур.

— Наҳотки! — ҳайратан даг Ҳазрат.

— Нимасин айтасин! аҳли Шох сизга атаб — Ҳар гушада сизнинг тари-



Кенгашлар ҳаётидан

ИШОНЧЛИ ТАЯНЧ

ОКтябрь район Кенгаши уй-жой, коммунал хўжалиги, ободончилик ва экология масалалари билан шуғулланувчи доимий комиссияси (комиссия раиси, «Средазветмет-энерго» трести муҳандиси М. А. Костецкий) қабۇлига келувчилар шу кунларда айниқса кўпайган. Ибн Сино даҳсан ободончилиги, Оқтепа даҳсаннинг экология масалалари ва бошқа коммунал хўжалигига оид муаммоларни ҳал этиш улар талаби эди.

Комиссия аъзолари даставвал аҳоли тизиб яшайдиган Оқтепа даҳса аҳолисининг талабларини қондириш масаласини ҳал этишга киришдилар. У жойдаги 29-хўжаликлар-аро автокорхонани шаҳар четига кўчириш ва шу йўл билан Оқтепада экологияни оз бўлса ҳам яхшилаш масаласини кўтариб чиқдилар. Бу муаммо район Кенгаши раёсати йўналишига олиб чиқилди. Раёсат йўналиш қарори ва Оқтепа даҳса аҳолисининг талабларидан А. А. Алминов, У. Р. Дадажонов, О. Н. Плешкова ва бошқаларнинг елб-югурини билан автокорхона шаҳар четкига кўчирилди.

Доимий комиссиянинг май ойидаги йиғилишида биринчи ва иккинчи Ибн Сино даҳса аҳолисининг ободончилик хусусидаги талабларини ҳал этиш масаласи муҳокама этилди. Йиғилишда 153-қурилиш трести бошқарувчиси, район Кенгаши депутати Р. М. Сафариев доимий комиссия аъзоси сифатида бу ишга бош-қош бўлишни ўз эътимасига олди. Депутатлар амалий ишга киришдилар. Натжада даҳсаннинг ободончилиги изга тушди.

— Район уй-жой, коммунал хўжалиги, ободончилик ва экология масалалари билан шуғулланувчи доимий комиссияси аъзоларига сайловчиларнинг талаби кўп, — дейди район Кенгаши ташкилий бўлимининг мудри Э. Холмираев. — Шундай бўлсада улар шомасдан ўз ҳуқуқ ва бурчлари даражасида меҳнат қилишлар. Айрим муаммоларни ҳал этишда қўйилад бўлишида. Шундай пайтларда комиссия аъзолари тўплаган материалларини район Кенгаши раёсати йўналишига ёки район Кенгаши сессияси муҳокамага киритмоқдалар. Улар район Кенгашининг VIII сессияси муҳокамага республика партия ва ҳукуматининг «1991—1995 йилларда Тошкент шаҳри аҳолиси таъминотини яхшилаш ва шаҳарнинг тарихий районларини таъмирлашни жадаллаштириш чора-тадбирлари ҳақида» қарорини астойдил бажара бориш масаласини киритдилар. Сессияда шу тўғрисида кенг фикр алмашди, тегишли ҳужжатлар қабул қилинди. Ҳозир депутатлар ана шу сессиянинг қарорларини амалга ошириш ишларини билан шуғулланишмоқда. «Марказ—13», «Марказ—14» мавзелирида катта ишлар қилинмоқда.

12 нафар район Кенгаши депутати уюшган мазкур доимий комиссия айни пайтларда районда қишқик мавсумга тайёргарликнинг бориши билан шуғулланишга ва бу масалани 19 сентябрда ўтказиладиган район Кенгаши раёсати йиғилиши муҳокамага тайёрламоқда.

Ҳайрат Обидов раислик қилаётган ёшлар, аёллар, уруш ва меҳнат фахрийлари, жамоа ташкилотлари иши билан шуғулланувчи доимий комиссия аъзолари ҳам меҳнатнашларнинг талаб-истакларини ўринлатишда район Кенгашига яқиндан қўмақлашапти. Улар фақат меҳнатнашларнинг талабини қондириш билан шуғулланиб қолмасдан, балки ёшлар, хотин-қизлар, байналмилалчи жангчилар, уруш ва меҳнат фахрийлари иштирокида турли учрашув ҳамда бошқа тадбирлар ўтказишлар. Бу тадбирларда район ижтимоий таъминот, маданият, соғлиқни сақлаш бўлиmlарининг ходимлари иштирок этишига эришишапти. Комиссиянинг бундай иш юритиши туфайли кўпгина муаммоларга учрашувларда ечим топилаётган. Меҳнатнашлар ўзларини қизиқтирган саволларга шу тадбирлар давомида жавоб олишга муваффақ бўлаётганлар.

Бундай тадбирларни ўтказишда ва комиссия йиғилишларини тайёрлашда 180-мактабнинг ўқитувчиси В. П. Луценко, шаҳар комсомол комитетининг иккинчи котиби Ш. А. Боймуҳаммедов, райондаги болалар шифохонаси бош врач С. Ж. Абдуқаюмова каби депутатлар фаоллик кўрсатмоқдалар. Шу билан биргаликда улар сайловчилар нақазларини бажаришда ҳам ўрнат бўлмоқдалар.

Шунингдек, қонунийлик-ҳуқуқ тартибот ва фуқароларнинг арза-муурожаатларини кўриб чиқиш масалалари ҳамда қурилиш ва таъмирлаш соҳаси доимий комиссияларининг йиғилишлари режалаштирилган пайтда, депутатларнинг тўлиқ иштирокида ўтказилмоқда. Йиғилишларда қабул қилинган қарорларни бандма-банд ижро этиш ҳар бир депутатга алоҳида тоширилиши комиссиялар ишида фаоллигини таъминлайпти.

Доимий комиссиялардаги бундай талабчилик асосида иш юритилиши район Кенгаши ходимлари фаоллигини оширишга омил бўлмоқда. Доимий комиссиялар Кенгашининг таянчи эканлиги амалда исботланмоқда.

Худойназар ҒОИБОВ.

ИХТИРОЧИЛАРНИНГ ШАҲАР ТАШКИЛОТИ

ЯҚИНДА Бутуниттифоқ ихтирочи ва рационализаторлари жамияти Тошкент вилоят ташкилотининг ҳисобот-сўзлов конференцияси бўлиб ўтди. Куй тартибга жамият раисининг ҳисоботи, назорат комиссияси ҳисоботи ҳамда жамият Тошкент вилоят ташкилотининг Тошкент вилоят ва шаҳар ташкилотига бўлиниши ҳақидаги масалалар ўрин олданди.

Ҳар инкада ҳисоботдан сўнг муҳокамага чиққан йиғилиш қатнашчилари кун тартибига киритилган жамиятнинг шаҳар ташкилотини тузиш ҳақидаги масалани яқинлик билан қўллаб-қувватладилар.

Йиғилиш охирида Бутуниттифоқ ихтирочи ва рационализаторлари жамиятининг шаҳар ташкилоти тузилди. Ташкилотта А. З. Абдуллаев раис этиб сайланди.

Аҳмад ЗАРИПОВ.

Меҳнат жамоаларида

ҲАР КУНИ ШУНДАЙ

— Нергиза бугун ҳам ишга келолмас экан. Унинг ўрнида Людмила ишлаш қоплади. Ана, сен тезда бичиб бўлигинг матоларини тахлашга кириш...

Цехинидаги иш ҳар кунини мана шундай алфозда бошланади. Бичува цехи тинувчанлик борасида энг масъуллар бўлиб қолган. Тоза бошқимиз котган. Зудлик билан ўша эрим тайёр бракусулотин қайтариб, ўз вақтида хатоминини тугатишимиз. Ҳозир эса ҳаммагина бир-биринининг ишикларидан хабардор бўлиб, назорат қилиб турамиз. Шундай қилсак эрим экан. Сөзланган ҳолда таъбирга ҳам эриб бораверарман.

Бичува цехинида 50 киши меҳнат қилади. Мана шу киши жамоаси бош қорхонага ва ана мавжуд бўлган энг бичилган ишчиларни тайёрлаб беради. Бу ерда меҳнат қилувчилар аввало турли нилап таъкиллари, Шундай бўлсада бир тан, бир жон бўлиб ишлаймиз. Бригаданга комплекслашган бригада ҳисобланади. Қизларнингиздан Дилора Мирзалиева, Валя Кузаникова, Қурбонгул Анбулова, Фарид Исрафилова ва Уялло Мирзалиевалар ҳар бир ишини, эҳсин бошқа цехдан олиб келиш, лентга тортиш, қириқчи ва номерлаш жараёнларини ҳеч қийнамай бажара олишади.

Ҳозирги кунда Иттифоқимиздаги республика бозор иқтисодиёти туфайли иқти-

содий танглигини бошидан кечирмоқда. Хом ашё масаласи ҳам осонлик ҳал бўлаётгани йўқ. Аммо корхонамиз мустақил ишларни туфайли ана шу танқисликдан сая йироқданмиз.

Авалларни корхона томонидан махсус автобуслар ташкил қилиниб, ишчиларни уйларига ақин жойгача элтиб қўйиларди. Йил бошидан транспорт хизмати ҳақи ошганлиги сабабли автобуслардан фойдаланишга чек қўйилди. Ишлар фақат бир саванада олиб бориламоқда. Транспорт учун натадирган маблағ эса ишчиларнинг бошқа маънавий хизматлари учун сарфланган бўлди. Мана, масалан мавжуд ошконидаги энг 60 кишини қаҳвахона қурилиши бошланди. Агар у ишга тўлиқ ишчилар учун эрим фабрикалар, ош термаси, салқин ичимликлар, қандолат маҳсулотлари ва ҳар хил пиширилган таъйирланган сотиладди. Ҳозирги кунда тушлик учун ошконида мазали таомлар тайёрланмоқда.

Ҳозирги кунда олаётган ойлик маошнинг 300—350 сумини ташкил этмоқда. Ҳар кун иш ичи 1 литрдан сўт билан таъминланади. Меҳнат таътилга чиққан кезларинида Чимён, Янгиобод ва бошқа оромгоҳларга йўлланмалар тасвир этилади. Умуман бозор иқтисодиёти шароитида мукамиллик билан иш олиб боради, ҳаммаси яқин бўлади. Чунки бизнинг тиниб чиқарилган маҳсулотимизга буюртмачилар ва харидорларнинг талаби катта.

Шўлино ЖУМАНИЕЗОВА.

Сергали тинувчанлик ишлаб чиқариш билиминининг бичува цехининг бошлиғи.

Миллий боғ қурилишида

ҲАМИША ГУЛГУН БЎЛГАЙ!

БОғ қуриладиган ҳудудда кезиб юрибман. Унда муҳташам Халқлар дўстлиги саройи. Тўғрида Абулқосим мадрасаси қўр тўкиб турибди. Чап кўлда эса савлатдор исми жисмига монанд Наврўз чойхонаси. Уяги эса Комсомол кўли. Худуднинг энг тўғрида саккизта мрамар устунга таяниб турган улкан гулбоз. Пештоқиға ўзбек тилида қўйидаги байт рақам чекилган:


Олам аҳли билингизким, иш эмас думшанлиги,
Ер ўзунг бир-бирингизким, эрур эрим иш.

Пастда мовий сувлари оҳиста мавжланиб қанал оқиб ўтади. Худди Ҳирот боларини кесиб оққан рабоб ариғидек...

Халқимизнинг танглайини меҳнат, манглайини тер билан кўтарган. У ҳар бир юмушга шердек панжа билан ташланади. Йиқилса

— ер тишлайди, қад ростласа — юлдузга қўл солади. Лекин бу гал қурувчилар, сувсозлар, пардозловчилар, эрқагу аёл — қўйинг-чи ўзини Навойига айландириб қўйибди. Тошкент шаҳар ҳисоблаган нимса борки боғ қурилишга бўлди. Қурилишда қатнашиш — барчаннинг дил амрига айланди. Бу ерда Акмал Исромолов райондаги 1-қурилиш бошқармасининг қурувчилари, ишчилари астойдил тер тўқидилар. Уларга бош бўлган уюштира бошлиғи Сулҳон Шохмуродов ҳар — бир ишнинг бекам-кўст бажарилишига кўз-қуллоқ бўлиди, рақбарлик қилди. Тошкент шаҳар иқтисодиёт 1-ремонт-қурилиш бошқармаси ирригация бўлимининг ҳамма Ганиев бошлиқ қурувчилар бригадаси ариқлар, каналлар, хуллас сув билан боғлиқ барча тиклаш ишларини кўнгилдагидек бажариш-

моқда. Ҳазрат Навоий келиб қўним тутадиган арк-гумбази боғ ичидан энг маҳобатли ишоот десам тўғри бўлади. Тепаличка зиналардан кўтарилиб борган сари паст, аяни боғ ажиб манзаралар кашф эта бошлайди. Фавораларда сувлар отилиб турибди. Мрамар йўлчаларнинг тозаллигини айтмайсанми? Ег тушса ялагудай. Анвоий гуллар оҳистагина тебраниб турибди. Бу, албатта, ҳозирга тасаввур. Аммо бир ҳафтадан кейин айтганимдан ҳам аъло бўлишига шубҳам йўқ! Чунки Тошкент шаҳар ишроқумин ободонлаштириш бош бошқармасининг Қумри Расулова бошлиқ пардозлаш бригадасининг Зухра Аҳмедова, Мактуба Исметова каби меҳнатсевар аёллари бор экан, Навоий боғига гард юқмаслигига аминимиз...



• Янгиликлар •

ТИЛ УРГАНИШ МАРКАЗИ

Анджон вилоят иқроия комитетининг қарорига мувофиқ бу ерда тилларни ўрганиш маркази очилди. Унинг ишини мувофиқлаштириш учун махсус кенгаш тизилди. Анджон давлат тиллар педагогика институтининг махсус курсларида хозирда ташкил этилган марказда махсус курсларда хорижий фирмалар билан ҳамкорлик қилишни хоҳлаётган корхоналар, муассасаларнинг раҳбарлари ва мутахассисларига, шунингдек фуқароларга хорижий тиллар ўргатилади. Тилларни ўргатиш учун компьютерлар, кўрши ва эшиттириш аппаратларидан кенг фойдаланилади.

Янги марказнинг дастурига мувофиқ ўқитилганлар фақат чет тилларининг ўрганиш қолмай, шу билан бирга хорижий мамлакатларнинг иқтисодиёти, уларнинг ижтимоий-маданий ривожланиши тўғрисида чуқур билим ҳам оладилар. Марказ мўлжалланган тадбирлардан бири қобилиятли талабалардан тайёрлаб тилларни ўқитиш учун хорижий мутахассисларни таклиф этиш ҳам мўлжалланган.

АНДИЖОНДА АКЦИОНЕРЛИК - ТИЖОРАТ БАНКИ

Вилоятдаги йиғиридан ор-тиқ корхона, ташкилот ва иш-

• Хушxabарлар •

лаб чиқариш кооперативлари акционерлик-тижорат банкнинг ташкил этилди. «Анджонбанк», «Агропромстройбанк», «Сбербанк»нинг вилоятда ишлаб турган бўлиmlаридан шуниси билан фарқ қилдики, у тармоққа ҳам, марказга ҳам бўйсунмайди, балки мустақил тузилма сифатида иш олиб боради. У универсал банк бўлиб, ҳар қандай тармоқ ва йўналишдаги корхоналар ҳамда ташкилотларга хизмат қилиши мумкин.

АҲОЛИ ТАШВИШИДА

Денов шаҳрида қушхона қурилиши бошланди. У ҳар кун 50 тонна гўшт ва колбаса маҳсулотларини савдога чиқариш қувватига эга. Шу вақтгача Денов ва вилоятнинг қолган бешта шимоллий районининг Термиз гўшт комбинати маҳсулотини билан таъминланарди. Лекин унинг қуввати чекланганлиги сабабли аҳолини бундай маҳсулотлар билан таъминлашда узилишлар бўлиб турарди.

Бундан ташқари ақилги қийинчилиги ҳам маҳаллий меймурларнинг қушхона қуриш ҳақида қарор қабул қилишига сабаб бўлди. Маҳсулотини шу ернинг ўзига тайёрлаш мумкин бўлган бир пайтда транспортнинг юз элли километрга қайдаш иқтисодиётининг жиндат фойдали эмас эди-да. [ЭТАГ].

МАЪЛУМКИ, бундан бир неча йиллар олдин бизда ишсизлик тўғрисида гапирини ёки мулоҳаза юритиш анча пайтдан ваъжи, аҳвол, қарашлар бунга имкон бермасди. Аммо, қайта қуриш ошкоралик бу соҳада ҳам қатор ечимларнинг қўйиладиган муаммолар борлигини кўрсатди. Қундан-қун ишчи кучи манбалари ижтимоий меҳнат аҳтиёбининг қўйиладиган ортиб бормоқда. Бунинг жумлуғи ижтимоий турли шаҳар ва районларидан ўсиб бораётган ишчилар оқимидан билса бўлади. Етилиб бораётган ўткир муаммоларни ечишга ёрдам берад, имкони борича ишчилар сонини камайтирад ва уларни ижтимоий ҳимоя қилар деган умидда ҳар бир район ва шаҳарда аҳолини ишга жойлаштирувчи бандлик хизмати бўлиmlари очилди. Бўлимлар шаҳар ва район иқроқуми қошида 1990 йил март ойидан бошлаб ташкил этилди. Бўлим бир йилдан сўнг эса «Меҳнат биржа» сифати айлантирилди. Улар аҳоли сони, ўсиш суръати, уларнинг ижтимоий фойдали меҳнат билан қай даражада таъминланганлигини аниқлайди. Дастлаб кўп эътибор берилмаган ишга жойлаштириш бўлими салмоқли, диққатга сазовор ишларни амалга оширишмоқда. Қайси «Меҳнат биржа»ларига борманг қизгин меҳнат устидан чиқасиз. Бўлим янги ташкил этил-

ганлиги сабабли ўзига хос муаммо ва кундаланг қўйилган масалалар бор. Май ойида меҳнат вазирилик ташкил этилган эди. Бу вазирилик жойлардаги «Меҳнат биржа»ларининг иш-

дари янада яхшилаш мақсадида ёшлар билимгоҳи билан ҳамкорликда 15 кунлик малака ошириш курсларини ташкил этишди. Барча шаҳар ва район меҳнат биржаларининг директор ва етакчи мутахассислари курсга навбат билан таклиф этилмоқда. Мана бизнинг гуруҳ ҳам яқинда муваффақиятли курсни тугатишди. Билимгоҳда ўқитиш учун ҳамма шароитлар яратилган. Меҳнат вазириликдан ва бошқа маъсул жойлардан тажрибали мутахассислар, олимлар, иқтисодчилар ташриф буюриб

дарс беришмоқда. Тошкент шаҳридаги Қўйишев, Чилонзор, Ҳамза район меҳнат биржаси ходимларининг ташкил этилган эди. Бу вазирилик жойлардаги «Меҳнат биржа»ларининг иш-

Иш билан бандлик Муносиб касб Танланг

БАҲОНАГА ЎРИН ҚОЛМАЙДИ

ОДАТДА шаҳардаги чиркиндиларнинг ўз вақтида олиниб кетилмаслиги ҳақида кўпдан шикоят қилинади. Ҳўш, нимага шундай? Агар пойтахтдаги мутасадди раҳбарларга шу саволи бериб қолсангиз, «Чиркиндиларни олиб кетиш учун махсус машиналар жуда кам. Шу машиналарни ишлаб чиқараётган мамлакатимиздаги заводлар шартномаларини бузчишмоқда. Дийримизда эса

бу машиналар ишлаб чиқарилмайди», дейишарди. Эндиликда эса юқоридаги баҳоналарга ўрин қолмади. Чунки СССР 50 йилги номи «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бirlашмасининг конструкторлик бюросида бу машиналарни лойиҳалаштириш бошланди. Ҳозир чиркиндилар учун махсус машиналарнинг қачон ишлаб чиқарилиши номаълум, — дейди корхона

бош конструктори Леонид Эйсман. — Лойиҳалаш ишлари энди бошланди. Шунга қарамастан яқин бир-икки ой ичидан бу машиналарнинг намуналарини ҳамда қадриятларини тикланганига ҳаракат қилайти. Маҳаллаларда тез-тез йиғилиб, уй-ғу саяғати ва маданиятнинг халққа намойиш этилиши. Утган йил шаҳримиздаги Тельман номидаги истроҳат бондида 53 турданг уйғур миллий таомларни тайёрлиб, халққа нўғом этилди. Бундан ташқари биз, бу райондаги бошқа миллий вакиллари билан, айниқса ўзбек халқи билан оғ-индик тутушимиз. Қўпгина урф-одатларимиз ўхшашлиги, тилимизнинг яқинлиги — дилларимизни ҳам яқинлаштирди. Маҳаллаларда иловчи кўпгина уйғурлар ўзбеклардан қиз олиб, қиз бериб, қуда-анда бўлиб кетишган.

Ғани ЕСЕНОВ.

Маданий миллий марказларда

ҲАВАСИНГИЗ КЕЛАДИ

РЕСПУБЛИКАМИЗДАГИ турли миллат вакилларида бўлган эътиборнинг анча юксалгани айниқса яққол сезилмоқда. Районларда миллий маданий марказларнинг ташкил этилиши ҳамда шаҳримиздаги Халқлар дўстлиги музейида республикамизда иловчи барча миллат вакиллари билан турмушнинг байналмилал миллий маданий марказининг вужудга келгани ҳам фикримизнинг ёрқин далилидир.

Бу йилги ағъанавий Наврўз байрами ҳам байналмилал миллий маданий марказ вакиллари иштирокида шод-хуррамлик билан нишонланди. Бу байрамда ҳар бир миллий маданий марказ ўзининг миллий урф-одатлари, ағъаналарини, қадимий куй-қўшиқларини ва миллий рақсларини ҳамда миллий таомларини йиғилганларга намойиш этишди.

Ҳар бир миллатнинг ўз маданияти, тили, ўзига хос урф-одатлари мавжуд. Уни янада ривожлантириш, ҳар бир миллатнинг миллий қадриятларини тиклаш, қадимий ва гўзал ағъаналарини, бой маданий-адабий меросини тарғиб этиш орқали миллатлар ўртасидаги ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга, миллатлараро тотувлиқни таркиб топтиришга эришиш мумкин. Бинобарин, миллий маданий марказлар олдида турган муҳим вазифа ҳам ана шундан иборат.

Шаҳримизнинг кеңжа райони — Бектемирда истиқомат қилувчи уйғурлар кўпчилигини ташкил этади. Шу сабабли бундан икки йил муқаддам районда уйғур миллий маданий маркази ташкил этилган. Ўн кишидан иборат марказга район фахрийларидан бири Абдулазиз ака Усмонов раис этиб сайланган. Марказ фаолларининг ҳар бирига ўзига яраша маъсуллик вазифалар тақсимлаб берилган. Чунки, Абдукарим Қодиров миллий урф-одатларнинг тарғиб этилишига, шунингдек, район аҳолиси томонидан ўтказиладиган миллий тўй маросимларининг замонавий ва ихчам, оригича сарф-харажат ва исрофгарчиликларсиз ўтишига жавобгар. Маҳмуд Ғафуров эса уйғур миллий маданияти, санъати ва адабиёти тарғиботчиси, Нижод Эмixon ёшларни миллий ағъаналарга садоқат, қадимий урф-одатла-

римизга ҳурмат руҳида тарбиялашга маъсул этиб тайинланган. Районимизда мингта яқин уйғур миллиятига мансуб аҳоли яшайди, — дейди биз билан сўхбатда Абдулазиз ака. — Марказимиз бу халқларнинг ўз миллий маданияти, тили ва урф-одатлари ҳамда қадриятларини тиклашга ҳаракат қилайти. Маҳаллаларда тез-тез йиғилиб, уй-ғу саяғати ва маданиятнинг халққа намойиш этилиши. Утган йил шаҳримиздаги Тельман номидаги истроҳат бондида 53 турданг уйғур миллий таомларни тайёрлиб, халққа нўғом этилди. Бундан ташқари биз, бу райондаги бошқа миллий вакиллари билан, айниқса ўзбек халқи билан оғ-индик тутушимиз. Қўпгина урф-одатларимиз ўхшашлиги, тилимизнинг яқинлиги — дилларимизни ҳам яқинлаштирди. Маҳаллаларда иловчи кўпгина уйғурлар ўзбеклардан қиз олиб, қиз бериб, қуда-анда бўлиб кетишган.

Ҳа, чиндан ҳам райондаги миллатлараро дўстлик, аҳлиқилини кўриб хавасингиз келди. Яқинда райондаги йирик қушчалардан бирига уйғур ва ўзбек халқининг сеvimли шоири Билал Нозим номи берилгани ҳам барчанга бирдек қувонтирди. Марказ фаолиятига тўхталадиган бўлсак, бу ерда яқинда ташкил бўлган уйғур хотин-қизлар кенгаши иш ҳам таҳсинга лойиқ бўлмоқда. Райондаги бешта фаол аёллардан иборат кенгаш миллий расм-русумларини ихчамлашган ҳолда ўтказиш, хотин-қизларни иш билан таъминлаш ҳамда улар турмушдаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш орқали хотин-қизларни ижтимоий ҳимоялашнинг ўз олдларига мақсад қилиб қўйилган. Кенгаш аъзолари марказ ишида ҳам фаоллик кўрсатиб келишмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Бектемир райондаги мазкур уйғур миллий маданий маркази ибратли ишларни амалга ошириб, миллатлараро дўстлик ва қардошлиқ ришталарининг мустаҳкамлашига муносиб улуш қўшиб келмоқда.

Зуффия ДҲСМУХАМЕДОВА.
СУРАТДА: марказ аъзолари ўзаро сўхбатда. Усмонов Усмонов сурати.



